

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 73 (65949)
1996 йил, 5 октябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда

РАҲМАТ, ДАДАХОҲОН АКА!

Азиз болалар! Сизлар шоир ва журналист Дадахон Ёқубовни яхши танийсиз. У киши халқаро «Наврӯз» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, қолаверса, телевидение орқали бир вақтлар бериб борилган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» курсатувининг бошловчиси ва муаллифи. У кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли қанчадан қанча шикаста дилларга ёруғлик, гариб кунгилларга ку-

вонч кирган.

Дадахон ака газетамизнинг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ҳам бизга қалами уткир муаллиф, гамхур мураббий бўлиб, эсда қоларли мақолалар ёзган.

Яна сиз сеvimли шоирингиз, газетамизнинг таҳрир ҳайъати аъзоси Наримон Орифжоновни ҳам яхши танийсиз. У киши ҳам ҳозир «Наврӯз» халқаро хайрия жамғармасида иш-ляптилар.

Яқинда Наримон ака редак-

циямизга яхши хушхабар билан кириб келдилар. Ва бизга Дадахон аканинг олижаноб ниятларини етказдилар. Дадахон ака Президентимиз «Маънавиятсиз келажак йўқ!» шиорини олга сураётганликлари бежиз эмаслигини таъкидлаб,

«Наврӯз»нинг ҳар бир вилоят булимлари уз ҳисобидан 500 нафар ўқувчини «Тонг юлдузи»га обуна қилиб беради —

Обуна — 97

деб ваъда берибдилар.

Бу саховатпешалик биз таҳририят ходимларини ҳам қувонтириб юборди. Ҳар битта вилоятдан 500 нафар ўқувчи. Демак ҳаммаси бўлиб 7 минг бола «Тонг юлдузи»ни бепул уқийди. Эҳ, қандай яхши!

Раҳмат, Дадахон ака!

Раҳмат, «Наврӯз»!

РАҲМАТ, «НАВРҮЗ»!



Биз бу йил 5-«Б» синфга утдик. Будегани юқори синф ўқувчилари қаторига кирдик. Илгари бизларни «чурвақалар» деганлар энди бошқача муносабатда бўлишарди. Биз ҳам узимизни анча тутиб олдик. Юриш-туриши-

ОДОБНИ—

миз ҳам узгарди. Бошлангич синфларда 4 йил бир синф хонасида ўқирдик. Ҳозир ҳар бир дарс фанларга доир курғазмалли суратлар билан жиҳозланган синфларда утилмоқда. Лекин биз бир нарсаси кунлика олмаямиз. Катта синф болаларининг қупол интизоми, бир-бирларини хунук сузлар билан чақиришлари, қизлар-

нинг олифта кийинишлари бизга унчалик ёқмаяпти. Бошлангич синф ўқитувчимиз Мақсудахон опа Раҳмонованинг «Одобни — беодобдан урган» деган мақоллари шу ерда бизга асқотяпти. Биз юқори синф ўқувчиларининг бундай «намунали» одобсизликларига тақлид қилмасликка

БЕОДОБДАН

ҳаракат қилишимиз. Буш вақтларимизда мактаб кутубхонасида қизиқарли китоблар билан бирга «Гулча», «Гулхан» журналлари ва «Тонг юлдузи» газетасини ҳам ўқиб борамиз. Газетада бериладиган спортга оид қаратэ, ниндза, ушулар тўғрисидаги ҳикояларни қизиқиб уқиймиз, крос-

свордларни ечишга ҳаракат қиламиз. Эртақларни эса жондилемиз билан укаларимизга ҳам ўқиб берамиз. Кутубхонада кам бўлганлиги учун бу йил ҳаммамиз «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлмоқчимиз. Турли вилоятлардаги тенгдошларимиз ҳаёти, ўқишларидан хабардор бўлиб турсак ях-

ЎРГАН

ши-да. Шунинг учун ҳам сеvimли газетамизга ўз фикримизни билдиришга қарор қилдик.

Мирбоки УСМОНОВ,
Кўқон шаҳар, Амин
Умарий номли 3-ўрта
мактабнинг 5-«Б» синф
ўқувчиси.

Беҳзод синфимизнинг «пахани». Ҳамма болалар ундан қурқишади, «айтгани айтган, дегани деган». Дарсларни ҳам ҳар гал аълочи ўқувчилар узлари дафтарига ёзиб беришади. Ундан ҳатто қизлар ҳам ҳайиқишади. Болалар навбатма-навбат мактаб ошхонасидан турли ширинликлар олиб келиб беришади. Беҳзоднинг «хурмача қилиқлари» ҳаммининг жонига теккан. Орқасидан гапиришаверади-ю узининг олдида лом-мим дея



олишмайди...

Тунов кунни мактаб ошхонасига кетаётганим. Йулимни тусиб: «Менга ҳам булочка олиб кел!» дея удагайлади. Мен ҳам юрак ютиб: «Ортиқча пулим йўқ, узинг олавер» дедим. Шу тобдаги унинг вазоҳатини курсангиз эди. Атрофимизни зумда болалар ураб олишди. «Кучайиб кетибдиларми, дарсдан кейин мактабнинг орқасига утинг...» деди пичинг аралаш. Бу дедиллик қаердан пайдо бўлганини узим ҳам билмайману ҳеч иккиланмай: «Гаплашсак гаплашаверамиз-да» деб юборибман. Орият кучлилиқ қилиб, дарсдан кейин мактабнинг орқасига утдим. Беҳзоднинг эса дараги бўлмади...

Буни қарангки, бирозгина дедиллик бўлса бас экан. Шуну «пахани» мизнинг «хурмача қилиқлари» барҳам топди.
Сардор МАҲКАМОВ,
Қашқадарё вилояти.

Туш пайти эди. Таҳририятимизга оддийгина кийинган, очиқ чехралли бир онахон кириб келди.
— Мен Зоя Павловна Қурйшева бўлман, — деб узини таништирди у.
— Менга ўзбек тилида чиқадиغان болалар газетаси «Тонг юлдузи» ходимлари керак, — деди ва тушунтирди! — Жамоатчи обуна тарқатувчидан. Жуда кўп мактабларга бораман. Ҳозир мендан кўпчилиқ ўқувчилар «Тонг юлдузи»га қандай обуна бўлиш мумкинлиги ҳақида сўрашарди. Шунга у—бу нарсаларни аниқлаб олиш учун келганим. — Ахир сиз русизабон болалар ўқийдиган мактабга борасиз, улар қандай тушунишади? — яна қиздик.

— Тўғри, лекин мен

ЖОНКУЯРИМИЗ

ЗОЯ
БУВИ

борадиган мактабларнинг кўпчилигида ўзбек болалари анчагина. Қолаверса, русизабон болалар ҳам сўрашарди. «Тил ўрганишга ёрдам тегади» дейишарди.

Онахон бизга Мирзо Улуғбек туманидаги Стародубцева кўчаси, 303-уй, 43-хонадонда яшади, нафақаси узига етарли экани, лекин уйда бекор зеркиб ўтиргандан кўра оз бўлса ҳам савобли иш билан шуғулланаётгани ҳақида гапириб берди.


Биз ҳам унга газеталаримиздан совға қилиб, «Гулхан», «Гулча» сингари болалар учун чиқадиغان журналларга ҳам обунани уюштиришда ёрдам курсатишни илтимос қилиб хайрлашдик ва болаларвар зукко бувимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳам юқсин, — деб ният қилдик. Ахир энди нима қилсам экан, деб зеркиб ўтирган нафақахўрларимиз озмунчамми? Улар мактабларга боришсин. Ўқувчилар кўнглига йўл топиб, уларни ўқишга, билим олишга қизиқтиришсин. Бунда газета ва журналларнинг урни беқиссизлигини айтишсин. Ана шунда зеркиш нималигини билишмайди. Бандлик — умрни узайтиради.
ЮЛДУЗХОН.

ИСТИҚЛОЛИМ—ИСТИҚБОЛИМ

Манзура ТОШЕВА, Боғшамол туманидаги 37-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси: — Мустақиллик менинг фаолиятимга қувонч ва шодлик бахш этди, сўз эркинлиги, тилимиз эркинлигига эришдик. Тарихимизда катта из қолдирган алломаларимизнинг қимматли фикрлари, педагогик, илмий қарашлари билан ўзим ҳам, ўқувчиларим ҳам энди таниша бошладик. Бу бизга маънавиятимизни анлашга, уни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга айрим тилакларимни ҳам билдирмоқчиман: яъни мен мактабларда табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш тарафдориман. Чунки уларнинг қизиқиш ва қобилиятлари турлича. Агар ана шулар эътиборга олиниб дарс утилса яхши самара беради. Янги лотин алифбоси бўйича ҳам таклифларим бор: 1-синф ўқувчилари янги ўқув йилидан бошлаб лотин ёзувига ўтишди. Лекин ўқув қўлланмалари ҳанузгача муаммо бўлиб турибди. Чиқарилган дарсликларнинг муқоваси сифатсиз, ёзув ва математика дафтарлари йўқ. Юқори синфларда ҳам дарсликлар етишмайди. Ўзбек синфлари бўйича кургазмали қуроллар ҳам кам.

Матлуба ТИЛАВОВА, Халқ таълими бўлимининг бошланғич синфлар бўйича методисти: — Мустақиллигимиз бизга янги маънавият бахш этди. Ўзбекистонимиз дунёга, ўз эшиklarини очди. Мактабларимизга янги таълимнинг жорий этилиши, иқтисодий билим асослари ва бозор муносабатларининг фан сифатида киритилиши, табақалаштириб ўқитиш, чуқурлаштирилган фанларнинг утилиши маорифчиларни эмас, ота-оналарни ҳам қувонтирди. Мен ҳам ўқув масканларида табақалаштириб ўқитишни қувватлайман. Мисол учун, математикага қизиқмаган ўқувчи биологияга қизиқар ва ҳоказо.

Гулсара ИНОЯТОВА: Темирайул тумани Халқ



Истиқлол сизга нима берди ва меҳнат фаолиятингизда қандай из қолдирмоқда? «Таълим ҳақида»ги қонунда қўйилган вазифалар, масъулият ва бурчни қандай тушунасиз? Яқинда жамоатчи мухбиримиз Ашурали Аҳмедов Самарқандда бўлиб, бир гуруҳ устозларга шундай саволларни берди ва қуйидаги жавобларни олди.

таълими бўлимининг бошланғич синфлар бўйича методисти: — Истиқлол бизга кўп яхшиликлар, янгиликлар келтирди. Узлигимизни жаҳонга танитди, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклади. Кўнглимдагини бемалол сузлайман. Мактабларда табақалаб ўқитиш, гимназия синфлари очиш, иқтидорли болаларни танлаб, алоҳида таълим бериш истиқлол шарофатидир. Шу ўқув йилидан ўзим ишлаётган 14-мактабни гимназияга айлантирдик. Болаларни тест синовлари асосида қабул қилдик. Ўқиш ҳам муваффақиятли бошланди.

Хосият ҲАМРОЕВА, Сиеб туманидаги 6-урта мактаб методисти: — Истиқлол мактаб, оила ва жамият мустақамлашишида катта роль ўйнади. Ҳозир ўқиш, ўқитиш жараёнида биз ўз ўқувчиларимиз онгига қадриятларимизни, ўз-ўзини ҳурмат қилишни, халқимизнинг қадимий меросини, тарихини ургатишга эътиборни қаратдик: Мамлакатимизда янги таълим жорий этилди. Бу таълимнинг асосий мақсади юртимизга иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаб бериш.

Устоз минбари

Янги таълимнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, гимназия лицейларда ўқийдиган, тарбия оладиган болалар ҳар томонлама чиниққан, билимли, ўзини ўзи бошқарадиган бўлиб етишмоқда. Мен ўз иш фаолиятимда ўқувчиларга берган билимларимнинг самарасини улар юқори синфларга ўтганларидан кейин текшириб бораман. Таҳририятдан илтимосим шуки, «Устоз минбари» рўқнида илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, лотин алифбосини ўқитаётган бошланғич синф мураббийларининг ўқитиш услублари ҳақида ҳикоялар бериб борсангиз.

Жамила НАЖМИДДИНОВА, Сиеб туманидаги 2-урта мактаб ўқитувчиси: — Мен учун энг қувончли ва унутилмас воқеа — Самарқанд шаҳримизни Амир Темур ордени билан мукофотлангани бўлди. Бу билан жуда фахрланаман. Ҳаяжонли воқеалардан яна бири бу йил 1-синфни қабул қилиб олдим. Уларга ўзбек ёзуви асосланган лотин алифбосида билим берайман. Синфни шу ёзувда битилган шиорлар, ҳикматли

сузлар ва кургазмали қуроллар билан безадим. Лотин ёзувида битилган «Алифбо» дарслиги республикамиз шароитига мослаб чиқарилган. Унда ҳикматли сузлар, донишманд бобокалонларимиз уғитлари, мақоллар, ахлоқ-одобга доир ҳикматлар жуда кўп. Уларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс.

Раъно ОЧИЛОВА, Самарқанд шаҳридаги 2-гимназия синфи ўқитувчиси: — Таълимнинг янги йўналишлари менинг иш услубимга ҳам янгилик бахш этди. Масъулиятимни оширди. Мен кўпроқ янги дарс турлари: андозасиз дарс, театрлашган дарс, саёҳат дарс формаларидан фойдаланаман. Юмшоқ материаллардан тайёрланган ўйинчоқлар, эртак қаҳрамонлари асосида режалаштирилган машғулотларим болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳар бир ҳарф ва рақамга бағишланган шеърлардан фойдаланаман. Бу каби иш усулларим ўқувчиларимда катта қизиқиш уйғотиш билан бирга дарсларни яхши ва аъло даражада ўзлаштиришларига ёрдам бермоқда.

Зарифа КАРИМОВА, Темирайул туманидаги 13-урта мактаб ўқитувчиси: — Андозасиз дарс ўқувчиларим онгини ривожлантириш ва машғулотларга булган қизиқишларини оширишда муҳим аҳамият касб этишини ўз тажрибамдан яхши биламан. Бундай дарс формаларидан бири саёҳатдир. Бунда ўқувчи соф ҳавода, табиат манзараларидан завқланади, танаси ҳам кўнгли ҳам озуқа олади «Қоинот оламига саёҳат», «Билимлар мамлакатига саёҳат», «Эртаклар оламига саёҳат» мавзуларида утказган машғулотларим болаларда қизиқиш уйғотди.

Бизга ёздилар

Бу дунёда боғбондан боғ, бастакордан куй, шоирдан шеър, устозлардан шогирдлар ёдгор бўлиб қоларкан. Яқинда Юқори Чирчиқ туманидаги 10-мактабда содиқ шогирдларнинг улуг устозларини хотирлаш кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан утказилган бу тадбирда устозлардан Мирзаакбар Маҳмудов, Мирзагелди Сиддиқов, Абдурахим Абдурахмонов, Раҳим Мўйдинов, Алмира Каримоваларнинг порлоқ

УНУТИЛМАС УСТОЗЛАР ЁДИ

хотираси ёдга олинди. Бу ерга ташриф буюрганлар орасида туман Халқ таълими бўлими мудири Тоҳир ака Норматов, туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Иззатулла Мирҳамидов, «Қамолот» жамғармаси туман бўлимининг ташкилий бўлим мудири Феруза Амантаевалар бор эди. Мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси Эргашхўжа Мирзахўжаев марҳумлар руҳига Қуръон тиловат қилди. Юқори синф ўқувчилари Нафиса Абдувалиева, Дилноза Абдухалилова, Саида Алматова, Дилрабо Абдуллаевалар устозлари хотирасига бағишлаб шеърлар айтишди. Мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор уринбосари Ўғилой Қурбонова томонидан айтилган қуйидаги сатрлар кўпчиликини ҳаяжонга солди:

Соғинч ҳисси етаклаб
қадрдон мактаб томон,
Сизни излаб гоҳида бориб
қоламан у ён,
Тополмасман, чарх уриб,
энди топилмагайсиз,
Лекин минглар ёдида
яшагайсиз сиз ҳар он.
Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани,
«Қавардон» кишлоғи.


СОБИҚ «ПАХТАКОР»ЧИЛАР

БОЛАЛАР МУРАББИЙСИ

нинг боиси бор, албатта. Чунки собиқ «Пахтакор»чи Розик ака Тургунов кимга устозлик қилса, доимо унга бахт кулиб боқади. Сабаби, ўз вақтида машҳур футболчи булган Розик ака болаларга тўпни қандай чаққонлик билан ҳаракат қилдириш, алдаб ўтиш, жарима тўпини қандай йўналтириш — бари-барини эринмай ургатади, қайта-қайта машқ қилдиради.

— Мураббийимиз 1970-1975 йилларда «Пахтакор»нинг энг ишончли ҳужумчиларидан бири булган, — дейди

Меҳрибон, меҳри бор муаллим




ҳужумчи Акмал. — Биз улар билан фахрланамиз.

Акмал Икромов туманидаги 3-болалар ва усмирлар спорт мактаби қатнашчилари Розик аканинг жонқуярлиги ту-

файли кўпгина мусобақаларда қатнашиб, туман шарафини ҳимоя қилаётдилар.

Суратда: Ёш футболчилар майдонга тушиш арафасида. Сураткаш: Р. Альбеков.

— Устозингиз Розик Тургуновми?
— Ҳа.
— Омадингиз бор экан. Сизлардан келгусида албатта олимпиадачилар чиқади.
— Болалар билан катталар уртасида тез-тез бўлиб турадиган бундай савол-жавоблар





ЎЗБЕГИМ МАДҲИНИ КУЙЛА, ДЎМБИРАМ

Ўзбекистонлик қозоқ ўғлони

«Тузеп»лик шоир Умар Шодининг учинчи фарзанди Маҳкамбойдан умиди катта эди. «Авлодинг шоир ўтган болам, сен шеърлар битгин, дўмбира черт» дерди орзулаб.

Маҳкамбой фақат ота орзусини рўёбга чиқариш учунгина эмас, ўзининг, юрагининг туб-тубидан сўзлар шодасини тузиб, одамларни қувонтириш учун ҳам мактабда ўқиб юрган давридаёқ чоп этиладиган «Қозоқстон пионери» газетаси, «Болдирган» журналинда ҳам ўз шеърлари билан иштирок этарди. Шунингдек дўмбира чертиб, ҳамқишлоқлари орасида анчагина ном чиқариб қолганди. Маҳкамбой 1966 йилда «Тузеп» қишлоғидаги 36-мактабни тугаллаб, Тошкент педагогика олийгоҳининг қозоқ филологиясига ўқишга кирди. Олий билимга эга бўлгач ўзи таълим олган мактабда тил ва адабиётдан дарс бера бошлади. Муаллимлик билан ижодни бирга олиб борган устоз 1992 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига қабул қилинди. Худди шу йили «Қозоқстон адабиёти» газетасида эълон қилинган энг яхши шеърлари учун соврин олди. Ҳозир «Нурли жол» газетасида хизмат қилмоқда.

«Мени эмас, Қатимўлдани...»
1989 йилнинг баҳори.

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳри. Бу ерда Хитой, Монғолия, Туркия, РСФСР, Туркменистон, Қозоғистон, Ўзбекистонда яшайдиган инпривизатор шоирларнинг халқаро айтишуви (беллашув) давом этарди. Навбат ўзбекистонлик қозоқ ўғлони Маҳкамбой Умаровга берилди. «Маҳкамбой оқинимиз Қозоғистон шоири Қатимўлда Бердигалиев билан мусобақалашади. Қани, бўш келманг, Қатимўлда ога! — ҳамюртига дапда берди ўртани олиб борувчи.

Маҳкамбой ака икки кўзи ожиз бу инсоннинг матонати, иқтидори, ҳозиржавоблиги, билими, сиёсий савиясини нақадар баъандэканини яхши биларди. Шу сабаб ҳам у аввалига бир оз чўчиди, сўнг таваккал қилди, ўзини қўлга олиб, дўмбираси торларини созлади...

Айтишув — тортишув роса авжига чиққанда бирдан Маҳкамбойнинг кўзи томошабинларга тушиб қолди. Кимнинг кўзларида ёш, кимдир рўмолчаси билан ёшларини артарди. Ниҳоят мусобақа тугади. Зап қалқиб кетгандай бўлди. Бир вақт шоир қараса одамлар у томон етиб келиб ҳавога кўтаришди, у бўлса ҳадеб «Мени эмас, Қатимўлдани кўтаринглар» дерди ҳижолатдан қизариб...

Айтишув — сўз санъати

— Айтишувда қофия, вазн, туроқ сингарн шеърятдаги белгилар албатта бўлиши шарт. — дейди Маҳкамбой ака. — Сўзлар мазмундор,

юморга бой бўлиши билан бирга сиёсатга ҳудабехудага аралашавермаслик керак. Мабодо сиёсий билимда унчалик уқуви бўлмаган одам айтмаёқ кўя қолсин. Йўқса, одамлар орасида шарманда бўлиш ҳеч гап эмас.

айтишув санъатини кенг ейиб, тарғиб этиш.

Ёзувчи Маҳкамбой ака Умаров «Тонг юлдузи» билан мулоқот сўнгида газетамизга бир сўз деди:

Нодонликни ҳар қачон жек (ёмон) кўраман, Халқимнинг мен ҳам гамин еб келаман.

ўғлон, сен Ўзбекистонда тугилган бўлсанг, уша ерда яшасанг, бизнинг дардимизни қаердан билдинг, яна биз ҳақимизда қайғу чекаяпсан?» дейишган. Сиз бўлсангиз: «Менинг Ўзбекистоним — киндик



Маҳкамбой ака бир қанча йиллар мактабда ўқитувчилик қилганлари туфайли шеърятнинг нозик қирраларини, унинг гузаллигини болалар қалбига астойдил сингдиришга ҳаракат қиладилар.

— Мен Тошкентнинг Юқори Чирчиқ, Қибрай туманлари мактабларида бўлганимда кўпчилик ўқувчиларнинг айтишувлар, халқ термаларини айтишга, топишга қизиқишларини, уларни йиғиб юришларини гувоҳи бўлдим. — дейди устоз. Қибрайлик Қулмаған Дуйсенов деган йигит Тошкентдаги айтишувда голиб чиқиб «Жигули» билан мукофотланди. Санъаткор, журналист, мураббийнинг келгусидаги режалари кўп. Шунлардан бири қозоқ тилида «Алифбе», «Ўқиш» китобларини ёзиш. Республикамиздаги болалар ўртасида дostonчиликни,

Бир пайтлар бир миллиондан ошган эдинг, Шу кунларга яна етгин, деб келаман.

Юлдузхон тилаг

Қимматли Маҳкамбой ога. Уша сиз, бош соврин эгаси бўлган халқаро беллашувда айтганингиз терманинг мазмуни таҳминан: «Бошқалар ўз Ватанида атом бомбаси эмас, ҳатто чириган ёнғоқни ҳам ёрдиришга йўл кўйишмайди. Эй, Қозоғистоним, сенинг Қоровултепанг бомба остида ётибди. Шунга ҳам чидаяпсизлар. Бу Қоровултепага нахотки битта ядро синовиға ишора қилинган эди.

Шу кунн кечқурун сиз жойлашган меҳмонхонага тумонот одам пул йиғиб олиб келибди. «Эй

қоним тўкилган ватаним бўлса, Қозоғистон ҳам ватаним. Чунки Туркистон бир — ватан бир» деган экансиз. Мезбонлар шаҳди қайтмаслиги, меҳмонлик удуми бўзилмаслиги учун пуллари олиб, ва яна қайтарган экансиз. Ахир ҳалиям совет тузуми яшаб турган бир пайтда шундай гапларни айтиш осонмиди? Биз бу ҳақда сизнинг ҳамкасбингиздан эшитиб ватанпарварлигингиз, санъаткорлигингиз, мураббийлигингиз, қаламкашлигингиз учун тасанно айтгимиз келди. Омон бўлинг. Ижодий баркамоллик тилаймиз.

Суратда: Олма-отадаги халқаро беллашув пайти акс этган. Чапдан Маҳкамбой Умаров, оқин Қатимўлда Бердигалиев.


Бўш вақтларда

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Қуйида таърифланган сўзлар уч ҳарfli бўлиб, шаклда «занжир» ҳамда айрим сўзлар кесишган ҳолда ёзилади.

1. Икки нарсани бир-бирига маҳкамлашда ишлатиладиган бинорлик материали.
2. Шарқда қадимда амал қилган ҳукмдорлик унвони.
3. Мусиқа асбоби.
4. Вақт ўлчови.
5. Халқ оғзаки ижоди тури.
6. Республикадаги наشريёт.
7. Энг азиз неъмат.
8. Ёруғлик, зие.
9. Дурадгорлик маҳсулоти.
10. Дуккакли экин.
11. Тошкентнинг қадимий номи.
12. Қуеш ботиш пайти.
13. Рангли металл.
14. Оби ҳаёт.
15. Туркия шарқдаги қул.
16. Ҳул мева.
17. Энг йирик сув жонивори.
18. Пазандаликда ишлатиладиган модда.
19. Мақолдан: Тер тукиб меҳнат қилсанг, ердан ҳатто ... унар.
20. Кимевий элемент, рангли металл.
21. Гап булаг
22. Тола олинадиган экин.
23. Тоқ рақам.
24. Овруподаги давлат пойтахти.
25. Шоҳмотдаги ҳолат.
26. Эртанишар мева.
27. Ип газлама.
28. Жисмоний қувват.
29. Пахта толасидан туқиладиган мато.
30. Қаттиқ табиий жисм.
31. Электр нури кучининг ўлчов бирлиги.
32. Асалари ҳосил қиладиган сақичсимон юмшоқ модда.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



САККИЗ ҚИЗНИНГ ОТАСИ

Тинч океаннинг марказий қисмида Гавайи ороллари жойлашган. Мазкур заминнинг бош шаҳри Гонолулуда яшовчи заргар Роберт Таи саккиз қизнинг отаси ҳисобланади. У ўз фарзандларига мусиқа товуш қаторларига оҳангдош равишда исм қўйган. Уларнинг номлари - Додо, Рере, Мими, Фафа, Соль-соль, Ляля, Сиси ва ниҳоят, саккизинчиси — Октавия.

Соҳибжамолнинг буйи

Француз ҳисобдошлари гуруҳи Лувр шаҳрида сақланаётган Жоконда тасвирининг улчамларини компьютерда аниқ ҳисоблаб чиқдилар. Ҳисоблаш машинаси сурат сатҳи 4081 квадрат сантиметр, Мона Лизанинг юз қисми 199,11 кв.см, куллари эса 169,96 кв. см. дан эканлигини аниқлади. Ушбу маълумотларга қура, компьютер бу сирли соҳибжамолнинг буйи 168-173 сантиметрни ташкил этади, деган хулосага келди.

Ўқи, қизиқ!



Баҳорда қалдирғочлар келган кунни ҳукизни етаклаб далага чиқдим, етти қадам босдим. Тухтаб, оёғим тагидаги ерни кавладим, бир парча кумир чиқди. Кумирни лагтага ураб, ҳукизимнинг шоҳига боғладим. Узим уйқуга кетдим. Уйқудан туриб оғилхонага бориб, уни очиб қарасам бир алвасти чиқди. Новчадан келган, ҳар кузи товоқдай, оғзи қулоғида, бошидаги телпақнинг қулоғи бир қулочга етган. Чиқди-ю оғилга кириб ётди, мен кўрқдим. Бирдан у шайтон алвасти урнидан



туриб келиб, у ёғимга утди, бу ёғимга утди, бошини қийшайтириб, секин менинг ёнимга утди. Менинг аччигим келди-да, шайтоннинг бошидаги телпагини юлиб олиб қочдим. Қарасам, у менинг орқамдан қувиб келяпти. Олдимдан бир масжид чиқиб қолди. Жон ҳолатда узимни масжидга урдим. Шайтон орқамдан келиб, масжидга киролмай, бусағада туриб менга қараб:

— Энди мени сарсон қилма, телпагимни бер, — деб ялина берди. Мен

томоша қил, — деди. Мен ҳам аста утириб, сандиқнинг ёнида утира бердим. Шеригим пойгоҳда турди. Қарасам, қорни катта бой икки хотини билан утирибди. Дастурхон ёзилган, энди бир лаган ошни ёйишиб турган экан. Шеригим аста-секин келиб икки хотиннинг орасига кириб утириб олди. Ҳадеб, ошни тушираверди. Бой:

— Ошни оз қилибсизлар, ё сизлар наша қилган, ё мен наша қилган, ошнинг ранги учиб кетди-ку, — деди.

Бой ошга туймади. У хотинига:

АЛВАСТИ

«Йук» дедим-да телпагини кийиб олдим. У мени кўради, мен уни кўраман холос. Охир у менга: — Кел, иккимиз дўст булайлик, — деди. Мен ҳам тангилик қилиб «хуп» дедим. Масжиддан чиқдим. Шайтоннинг кетидан боравердим. Бизлар бир-биримизни кўрадим. Аммо бизларни ҳеч ким кўрмайди. Шайтон мени бир бойнинг уйига олиб борди. Ичкари, ташқари гумбурлаган ҳовли. Пулат дарвоза ланг очик. Шайтон олдин, мен унинг кетидан кириб бордим. Қарасам ҳар бири эшакдек келадиган икки ит чўзилиб ётибди. Шеригим шайтон булса, итларни тепиб-тепиб утди. Итлар сесканиб, у ёқ бу ёғига қарайди. Ҳеч нарсани кўрмайди, яна мудрайди. Ичкари уйга кирдик. Бизлар бир-биримизни кўрадим, бизларни ҳеч ким кўрмайди. Шайтон менга: — Турга чиқиб, сандиқнинг ёнига утириб,

— Бор, бир коса сув келтир, — деди. Шу пайтда қарасам, алвасти шайтон югуриб бориб кузага тушиб олибди, бойнинг хотини сув олай деса шайтон сув олдирмайди. Бизлар бир-биримизни кўриб турибмиз, лекин улар бизни кўрмайди. Шайтон кўйнидан бир идиш олди, ундан косага суюқ бир нарса солиб берди. Хотин косани икки қуллаб бойга узатаётганда, мен қулимни чўзиб, косани туртиб, тушириб юбордим. Бой ҳовлиқиб: — Ё мен, ё сен наша қилганмиз, — деди. Бойнинг хотини: — Сиз узингиз косани ушлаёлмай тушириб юбордингиз-ку, — деди. Шундай қилиб, мен уч марта косани туртиб юбордим. Шайтон кузадан чиқди, кумурсқадай булиб лаганга тушди. Бой хотинига: — Ҳой хотин, лаган ичига бузоқ

тушиб сузиб юрибди, сен писта пучоғидан чиқаётисан, — деди. Мен шайтоннинг ишени томоша қилиб эсу-хушимни йўқотай деб турганимда, бошимдан телпагимни тортиб олиб шайтон қочиб кетди. Бой бирдан мени кўриб кўрқиб кетди. — Хуш, менинг уйимда қандай пайдо булиб қолдинг? — деб суради. Мен бошимдан утган воқеаларни бирма-бир айтиб бердим. Унга охири шайтон косага қуйиб берган ифлос сувни ичирмай тукиб юборганимни ҳам айтдим.

Бой мендан бу сирларни ҳеч кимга айтмасликка ваъда олди. Менга бир сидирга сарпо ва пул бериб уйдан жўнатди.

Мана энди мен бойнинг уйида булган сирларни ҳеч кимга айтмадим.


Ойим бугун яна одатдагидан барвақтроқ уйғондилар. Шошапиша у хонадан бу хонага кириб чиқаётганликларидан сездимки, яна сафарга отланишгилар. Йулда сафар халталари тахт турибди.

— Узинг туриб қолдингми улим, эндигина уйғотмоқчи бў-

либ кетди. Яна ёлғиз қоларканман. Йук, аслида ёлғиз эмасман, бувим, тоғам, кеннойим, жиянларим бор. Лекин ойим ёнимда бўлмайдилар. Бир кетганларича ҳафталаб қолиб кетадилар. Дусларим Анвар, Ваҳоб, Зафарларга мазза, ойилари ҳеч қаерга кетишмайди. Мактабга узлари кузатиб, узлари

бағирларига босиб қарши олдилар. Жиянларим ҳам олдинма-кетин буйнимга осилишди. Бувимни-ку айтмай қуяқолай, юз айланиб, ургилдилар. Қисқагина саломликдан сунг ойим ҳамма билан хайрлашдилар. Бир чеккада қовоғимни уюб тур-

РАСМ-ТОМОННОҚ



Она табиатимизнинг чеварлиги боис турли шаклларга кириб қолган дарахт томилари нимага ўхшайди? Энг яхши жавоб муаллифларига газетаимизнинг сирли совғаси бор. Хатларингизни кутамиз.

Азизбек ЖАЛОЛОВ.

СИЗ МЕНГА КЕРАКСИЗ, ОЙИЖОН!

либ тургандим. Тезроқ кийина қол, бувингларни кига борасан. Чойни ҳам уша ерда ичарсан. Мен жуда шошиб турибман, — дедилар ойим.

— Ойи, уқиним-чи, дарслардан қолиб кетаман-ку, — дедим норози оҳангда.

— Бирор ҳафтага справка туртиб бераман...

Йулда кетатуриб хурлигим ке-

кутиб олишади. Ҳатто дарсларини ҳам биргаликда тайерлашади. Турри, уларнинг ҳеч бирида меникчалик кўп, русмбон кийимлар, турли-туман уйинчоқлар йук. Лекин доимо уз уйларидалар, ойижонлари ёнларидан...

Шундай уйлар билан банд бўлиб, бувимни кига қандай етиб қолганимизни ҳам сезмай қолибман. Дарвозани очган кеннойим мени



ганимни кўриб, пешонамдан улдилар-да, «Хафа бўлма улим, бу гал мен сенга «жинси куртка» олиб келаман» деб чиқиб кетдилар. Менинг эса «Ойижон, менга ҳеч нарса керак эмас, менга сиз керак» деб юборгим келди...

Азизбек ЖАЛОЛОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ
Буёртма — Г-8578.
7691 нусхада босилди.
Қопоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилади — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Мажълуми: 700083.
• Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр қураткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25